

Таълимнинг янги модели асосида эркин фикрловчи шахсни шакллантириш

Ф.Ҳ.Аминова,

Навоий ДПИ катта ўқитувчиси, п.ф.н.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичида ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Республика ўқитувчилари ва мураббийларга йўллаган табрикларида айтилганидек: “Илмий маърифатда, маънавиятда жаҳонга машҳур бўлган шарқона мактабимиз бор. Ана шу улкан дарсхона анъаналарини жаҳон андозалари билан бойитиб, уни такомиллаштириб, ёш авлод онгига сингдириб борсангиз, улардан руҳий ва жисмоний соғлом авлод етиштирсангиз ҳақиқий ватанпарварлик бурчингизни адо этган бўласиз.” (Халқ сўзи, 1996 йил, 3 октябр).

Таълим жараёнини ташкил этишда ўқитувчи ўқув-билиш фаолиятини ташкилий шакллари хам таълим мазмунига мос ҳолда танлай олиши керак. Педагогик технологияни лойиҳалаш шартларидан бири хам “ташкилий шакллар” ни тўғри ташкил этиш саналади. Таълим–тарбия жараёнида ўқитишнинг ташкилий шакли деганда ўқувчилар ўқитиш жараёнида ташқи шарт-шароитлар йиғиндиси тушунилади.

Педагог ўқув фаолияти шакллари танлашда қуйидаги саволларга жавоб топиши керак: дидактик жараён иштирокчиси ким (ўқувчи, талаба, тингловчи) ва у қандай бошқарилиши керак (ўқув фаолиятини ўқитувчи бошқаради, автоматлашган синф ёрдамида ёки бошқа техник воситалар ёрдамида кинодиафильм, компьютер, модели таълим ва ҳоказо).

Дидактик жараён у ёки бу техник воситалардан таълим мазмунига мос ҳолда узлуксиз қўллашни тақозо этади. Бу йуналиш педагогик технологиянинг мавжудлик шартларидан биридир.

Педагогик технологиянинг лойиҳачиси хам, уни амалиётга жорий этувчиси хам педагог ҳисобланиб, малакали, мутахассис тайёрлашдек муҳим ижтимоий

(давлат) буюртмасини бажаради. Хўш, педагогнинг педагогик тизимда тутган ўрни нимадан иборат ?

1.Ўқитувчи давлат буюртмасига мос келадиган таълим-тарбия мақсадини ташхисланувчан ҳолда аниқ ва равшан белгилаши керак, натижада ажратилган вақт ичида унга эришишни таъминлайдиган дидактик жараёни тузиш ва жорий этиш тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлади.

2.Ўқитувчи белгиланган таълим мақсадига тўғри келадиган ўқув тарбиявий жараён мазмунини саралашда фаннинг абстракция поғоналарини ва ўзлаштириш даражаларига мослигини инобатга олиши зарур.

3.Ўқитувчи педагогик тизимининг таркибий элементи сифатида дидактик жараёни тузиш талаблари билан таниш булиши ва унинг энг мақбул вариантини ҳар бир дарс мавзусига боғлиқ ҳолда лойиҳалаш керак. Бу талаблар жадаллаштириш ва табиатдан монадлик тамойилидир. Жадаллаштириш тамойили дидактик масалаларни маълум вақт доирасида бир мунча тез ва юқори савияда ҳал эта оладиган дидактик жараёни қўллашни талаб этади. Таълим ва тарбияда жадаллаштириш таъмойиллини аниқлаб берувчи омил ўқувчиларнинг маълум фаолиятини ўзлаштириш тезлиги ҳисобланади. Иккинчи тамойил ўқув-тарбиявий жараёнини шундай ташкил этишга асосланадики, бунда мумкин қадар ўқувчиларнинг кенг доирада тажриба (билим, кўникма ва ижодий фаолият), эгаллашига имкон туғдирадиган ва уларнинг ақлий заковатини ривожлантира оладиган механизм вужудга келсин.

4.Ўқитувчи дидактик жараёни амалга оширишда ўқитишнинг самарали шаклларида фойдалана олиши зарур. Бу педагогик тизимда элементларнинг маълум қонуният асосида боғлиқ эканлигини билдиради. Бу боғланишлардан фойдаланиш ва мақбул бўлган ташкилий шакллар топиш таълимда расмийчиликни йўқотишга йўл очади.

5.Ўқитувчи педагогик тизимининг иштирокчиси бўлган ўқувчининг (1 элемент) таълим мазмунини ва тарбия таъсирини қай даражада эгаллаётганлигини энг мақбул усуллари билан назорат қилиб бориши лозим. Олинган ахборотлар педагогик тизимни мақсадга мувофиқ тарзида бошқариш

имкониятини беради ёки педагогик тизимларга қайси элементининг мазмунини тузатиш керак эканлигини белгилаб беради.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни тадбиқ этиш ва унинг мақсадига эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг тўғрилиги коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техникани эгаллаганлик даражаси ва бу техникани бевосита дарсда қўллашга улгура олишга боғлиқдир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти ижтимоий нуқтаи назардан ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлади. Мулоқот гуруҳларга мўлжалланган ёки яқка шахсга йўналтирилган бўлиши ҳам мумкин.

Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти педагогик характердаги мулоқот бўлиши, аниқ педагогик вазифани бажарилишига йўналтириши керак. Жумладан: оптимал, яхлит, қулай ўқув муҳитини, руҳий вазиятни, ўқув фаолиятини оптималлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатни ташкил этиш шунингдек, ўқувчилар жамоаси орасидаги муносабатни шакллантириш назарда тутилади.

Замонавий дарс мақсади - ўқитувчининг мақсади (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) ҳамда ташқаридан (бошқалар томонидан) кузатиладиган хатти-ҳаракатларини англлатувчи феъллар билан ифодаланган талабаларнинг мақсадлари (вазифалари)дан иборат бўлиши даркор. Чунки, ўқитиш натижаси талабалар хатти - ҳаракати ва фаолиятида ўз ифодасини топар экан, демак, машғулотнинг ўқув мақсадлари (ўқитишдан кутиладиган натижалар)ни ҳам уларда шакллантириш мўлжалланган хатти-ҳаракат ва фаолиятлар билан ифодалаш мантиқан тўғридир. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш лозимки, машғулотнинг аиқлаштирилган ўқув мақсадлари мавзунинг асосий, талабалар томонидан ўзлаштирилиши энг зарур бўлган мазмунини ифодалаши ва уларнинг ташқаридан (бошқалар томонидан) кузатилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини англлатиши зарур.

“Баркамол авлоднинг келажаги учун яратилган ва яратилаётган мана шундай кенг имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда билим ва ҳунар эгаллаш зарур. қолаверса юртимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда ўзларининг

меҳнатларини аямаётган, машаққатли шу билан бир қаторда шарафли касб эгалари бўлмиш устоз-мураббийларнинг меҳнатларини ҳурмат қилиш ва ардоқлаш лозим. Мана шундай адабий учрашувлар мурғак қалбларнинг адабиётга, санъатга бўлган қизиқишларини янада орттиради. Уларнинг қалбида адабиётга ҳамда шеърятга бўлган меҳрларини рағбатлантиради. Келажакка ишонч ва дадил қадам билан интилишларида куч бағишлайди”.